



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕДИЦИНА
ИНСТИТУТИ

ISSN 2181-5674

БИОЛОГИЯ ВА ТИББИЁТ МУАММОЛАРИ

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ЖУРНАЛ
№2.1 (95) 2017

**PROBLEMS OF
BIOLOGY AND MEDICINE**

МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

**БИОЛОГИЯ ВА ТИББИЁТ
МУАММОЛАРИ**

**PROBLEMS OF
BIOLOGY AND MEDICINE**

**ПРОБЛЕМЫ БИОЛОГИИ
И МЕДИЦИНЫ**

Научный журнал по теоретическим и практическим
проблемам биологии и медицины
основан в 1996 году
выходит ежеквартально

Главный редактор - А.М. ШАМСИЕВ

Редакционная коллегия:

*А.В. Алимов, Ю.М. Ахмедов, А.И. Икрамов,
З.И. Исмаилов, З.Б. Курбаниязов (зам. главного редактора),
Ф.Г. Назиров, У.Н. Тамкенбаев, Т.Э. Останакулов,
А.М. Хаджибаев, Д.Х. Ходжаев, М.Х. Ходжибеков,
Ш.А. Юсупов*

УЧРЕДИТЕЛЬ ЖУРНАЛА:

Самаркандский Государственный
медицинский институт

Адрес редакции:

Республика Узбекистан, 140100,
г. Самарканд, ул. Амира Темура, 18.

Телефон:

(99866) 233-36-79

Факс

(99866) 233-71-75

(99866) 231-00-39

Сайт

pbim.uz

e-mail

pbim.uz@gmail.com

committee@pbim.uz

Журнал зарегистрирован
в Управлении печати и информации
Самаркандской области
№ 09-26 от 03.10.2012 г.

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

Х.А. Акилов	(Ташкент)
Н.А. Абдуллаев	(Самарканд)
А.Н. Алпаяров	(Самарканд)
О.А. Атаниязова	(Нукус)
Т.А. Аскарлов	(Бухара)
А.В. Девятков	(Ташкент)
И.И. Затевахин	(Россия)
С.И. Исмаилов	(Ташкент)
А.Ю. Разумовский	(Россия)
Rainer Riesenmuller	(Австрия)
В.М. Розинков	(Россия)
Л.М. Рощаль	(Россия)
А.А. Хусинов	(Самарканд)

Подписано в печать 22.04.2017.

Сдано в набор 13.05.2017.

Формат 60×84 мм

Усл. п.л. 66

Заказ 69

Тираж 100 экз.

Отпечатано

в типографии СамГосМИ.

140151, г. Самарканд,

ул. Амира Темура, 18

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲУДУДИДА КРЫМ КОНГО ГЕМОМРАГИК ИСИТМАСИНИНГ КЛИНИКО ЛАБОРАТОР КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Кандимов О., магистратура резиденти СамДТИ

Юкумли касалликлар, эпидемиология ва тери-таносил касалликлари кафедраси
(каф. мудирлари - доц. Ярмухаммедова Н.А.)

Илмий раҳбар: Рустамова Ш.А.

Крым Конго геморагик иситмаси касаллигининг охириги йилларда Ўзбекистонда ҳам учраши қайд этилмоқда. Тадқиқот мақсади: Самарқанд вилояти ҳудудида амалиётда учраган бир ҳолат бўйича Крым Конго геморагик иситмаси касаллигининг клиничко лаборатор кечиш хусусиятларини ўрганишдан иборат. Текширув усуллари ва материаллари: Шу мақсадда биз Крым Конго геморагик иситмаси билан хасталанган бир беморнинг касаллик тарихини ретроспектив ва перспектив таҳлил этдик. Беморда эпидемиологик, клиничко, лаборатор текширувлар ўтказилди. Тадқиқот муҳокамаси: Бемор К. Ж. 59 ёшда, Самарқанд вилояти Пайариқ туманидан мурожаат этган. 25.05.2016 йилда Самарқанд вилояти юкумли касалликлар клиничко шифохонасига (ВЮККШ) умумий ҳолсизлик, иштаҳанинг пасайиши, ваража, кўнгил айниши, кўз қизариши, қаттиқ бош оғриғи, мушакларда оғриқ, бўғимлар қажшаши, қоринда оғриқ, бадандаги қонталаш, бурун қонаши шикоятлари билан ётқизилган. Анамнезидан бе-мор 18.05. 2016 йил қўй жунини олган. Шу вақтда қананинг ёпишиб олганлиги тўғрисида тахмини бор. 22.05.2016 йил ўнг тизза соҳасида ачишиш пайдо бўлган. Ачишиш соҳасини синчиклаб кўздан кечирганда қана чакқанлигини кўрган ва қанани узиб олиб ташлаган. Кечга бориб иситма қила бошлаган. Кейинчалик ваража қўшилган. Шу кунни тримол қабул қилган. 23.05.2016 йили тана ҳарорати юқори бўлганлиги боис, литик аралашма (анальгин+димедрол+новокаин)дан инъекция қабул қилган. 24.05.2016 кунни юқоридаги клиничко белгилар кучайиб борганлиги сабабли 25.05.2016 йили туман шифохонасига мурожаат этган. Туман шифохонасидан ВЮККШ шифохонасига юборилган. Объектив кўриқда беморда тери қопламлари ва шиллиқ пардалари тоза, оқимтир. Бемор баданининг айрим соҳаларида қонталашлар кузатилади. Касалликнинг инкубацион даврида қана чакқан жойда ҳосил бўлган бирламчи аффект Крым Конго геморагик иситмаси учун эрта диагностик белги бўлиб хизмат қилади. Иситма реакцияси Крым Конго геморагик иситмаси билан касалланганларда бошқа касалликлардан фарқли равишда юқори ва ўта юқори тана ҳарорати кўтарилиши, икки тўлқинли иситма билан фарқланади. Шунингдек, ушбу касалликда геморагик тошма-лар ҳам аниқланилди. Кузатувдаги беморда мушакларнинг оғриши бу касалликнинг энг характерли белгиси ҳисобланади. Юрак қон томир системаси томонидан нисбий брадикардия кузатилди. Пульс ритмик, ўртача таранглиқда ва тўлиқликда, 1 дақиқага 72 марта. Аускультатив юрак тонлари бўғиқлашган. Артериал қон босими пасайган. Тили нам, оқ қараш билан қопланган. То-моғи қизарган. Қорни дам, пальпацияда оғриқли. Жигар қовурға равоғидан +2,0 см. пастда пайпасланади. Ахлат суткасига 3-4 марта, суюқ, қон аралаш ўтмоқда. Ўнг тизза соҳасида 2,0*2,0 см ўлчамдаги яра бор. Яра қизарган, оғриқ сезилмайди. Кўз конъюнктиваси қизарган. Марказий

нерв системасининг токсик энцефалопатия шаклида зарарланиши аниқланади. Крым Конго геморрагик иситмаси билан касалланган ушбу беморда касаллик бошида бурун қонаши ва баданда қонталашлар кузатилган бўлса, касалликнинг учинчи куни склерага қон қуйилиши, милкларнинг қонаши кузатилди. Касалликнинг 5 кунидан бошлаб ошқозон ичаклардан қон кетиши аниқланилди. Лаб. маълумотлар: гемоглобин -128,0 г/л, (қуюқлашган), эритро-4,18/л*10¹², лейко-9,3*10⁹, метамиелоцитлар-4, ЭЧТ-8 мм/соат. Тромб-163,0 Сухарев бўйича қон ивиш вақти: Бош: 5 дақ 41 лаҳза. Тугал: 7 дақ 08 лаҳза. Қон биохимёвий таҳ: умумий бил: 8,5 мк/моль Боғланган бил-; Боғланмаган бил-8,5; АСТ-1,50; АЛТ-2,50; Тимол синамаси—18,56; Сулема синамаси -0,80; ИФТ: ККГИ да IgG титрининг ошиб бориши қайд этилди. Хулоса: Крым конго гемор-рагик иситмаси касаллиги клиник жиҳатдан бирламчи аффект, икки тўлқинли иситма, интоксикация синдромининг яққоллиги, нисбий брадикардия, геморрагик тошмалар, бўшлиқлардан қон кетиши (милклардан, бурундан, ошқозон ичакдан қон кетиши) кечиши билан фарқланади. Касалликка ташхис қўйишда эпидемиологик анамнез маълумотларини ҳисобга олиш лозим - ка-салликнинг мавсумийлиги, каналар чаққанлиги хақидаги маълумотлар, каналар билан контактда бўлганлиги. Крым конго ге-моррагик иситмасининг эрта диагностикаси учун периферик қондаги ўзгаришлар катта аҳамиятга эга: лимфоцитоз ва тромбо-цитопения.